# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 28 январь, № 20 (7522) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 январь куни Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ташкил этиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.**

Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланди. Бу борадаги қонунчилик янгиланиб, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланди.

Якунига етган Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилдагига нисбатан 3,1 миллиард доллар ёки 3,7 баробар ўсди.

Давлатимиз раҳбари куни кеча Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилиши, жорий йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этди.

Хусусан, 2020 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 5,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш белгиланган. Шу мақсадда март ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши режалаштирилган.

Форумнинг асосий мақсади иқтисодиёт драйверлари ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳалари ҳамда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришдир.

Йиғилишда ушбу анжуманни юқори савияда ташкил этиш борасида аниқ ташкилий вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари билан бирга хорижий инвесторларга таклиф этиладиган истиқболли лойиҳалар бўйича тақдимот материаллари тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий инвесторлар ўртасида бевосита ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирлигига етакчи хорижий компаниялар, халқаро молия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини форумга жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Анжуман ўтказиладиган жойларни юқори савияда тайёрлаш, уни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш ва ёритиб бориш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мутасаддилар форумга тайёргарлик ишлари ва эришилиши мўлжалланаётган келишувлар ҳақида ҳисобот берди.

**ЎзА.**

## ТИББИЁТ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам бўғинларида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги Фармонига мувофиқ, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Касалликни профилактика қилиш учун врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолини патронаж билан қамраб олиши, ҳудудий шифохоналар билан маълумот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилиши зарурлиги қайд этилди. Бунда тиббий маданиятни ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда тиббиёт тизимини илғор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

16 та ихтисослаштирилган марказ касалликлар кўрсаткичини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг олдини олиш чораларини кўриши, ўз фаолиятини ҳудудларда ташкил этиб, бирламчи тизим билан хамкорликда ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу марказларни янада ривожлантириш учун хусусий ва хорижий инвестициялар йўналтириш муҳимлиги қайд этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини янада яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўригини тизимли ташкил этиш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш бўйича аниқ иш режа ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу ўринда Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам хизмати чақириқларни автоматик қабул қилиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ рақамлаштирилгани ҳамда 150 та махсус "Форд" автомобиллари билан таъминланганини қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни 2020-2021 йилларда юртимизнинг барча ҳудудларига босқичма-босқич татбиқ этиш, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Инвестиция дастурига мувофиқ, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун жорий йилда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳада кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 75 минг нафар врач фаолият юритмоқда. 2 минг 900 та умумамалиёт шифокори, 10 мингта тор мутахассис етишмайди. Илмий изланиш натижаларини ҳаётга жорий этиш 5 фоиздан ҳам ошмайди.

Президентимиз мутахассисларни давлат буюртмаси асосида манзилли тайёрлаш, мақсадли квоталарни туман, қишлоқ ва иш жойи кўрсатилган ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиётда илм-фанни ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, 2020 йил Ўзбекистонда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан қайта кўриб чиқилади.

Йиғилишда мутасаддиларга шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, туб ислоҳотларни мактаб таълимидан бошлаб илмий-тадқиқот муассасаларигача қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари фаннинг белгиланган соҳаларига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

**«Халқ сўзи» учун махсус**

АҚШлик экспертлар:

## «ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АНИҚ ВА РАВШАН КЕЛАЖАК БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ»

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, мамлакатни ривожлантиришга қаратилган аниқ ташаббуслар юртдошларимиз, халқаро жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.***
***Хусусан, Мурожаатнома АҚШ экспертлари орасида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистоннинг ушбу давлатдаги элчихонаси кўмаги билан газетамизга океанортининг йирик ижтимоий-сиёсий доиралари интервью берди.***



**Грегори КУПЛЕЙ, Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциацияси президенти:**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат парламентига йўллаган Мурожаатномаси шуниси билан муҳимки, у ҳозирги пайтгача Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг шу шаклдаги чиқишларидан очиқлиги бўйича энг муҳими саналади.

Ўйлашимча, бу воқелик Ўзбекистон истиқболи учун буюк стратегиянинг муҳим қисмидир. Давлат раҳбари ўз мамлакати учун аниқ ва равшан келажакни белгилаб берди. У жамиятга ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имкониятини яратибгина қолмай, Ҳукуматга республикада муҳим ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш вазифасини топширди. Хусусан, Шавкат Мирзиёев таълим тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни муҳим мақсад ва вазифалар қаторига киритган.

Бу халқ ва парламентга йўлланган чуқур таҳлил ҳамда кенг миқёсдаги Мурожаатнома бўлди. Ўзбекистон Президенти XXI асрда "ўзбек шахси"ни кун тартибига олиб чиқмоқчи. Демак, мамлакат технологик жиҳатдан ривожланган, яхши таълим тизимига эга ва юқори суръатда олдинга интиладиган давлатга айланади.

Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида халқаро миқёсда ҳамкорлик кенгаяди. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Ҳинд океанига чиқиш имкониятларини кенгайтирмоқда ва ўзининг иқтисодий салоҳиятидан қўшни Афғонистонга ёрдам бериш учун фойдаланади.

**Роберт СЕКУТА, АҚШнинг Озарбайжондаги собиқ элчиси, Каспий сиёсати маркази (Caspian Policy Center) аъзоси:**



— Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномаси, шубҳасиз, мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеадир. Ўзбекистон етакчиси республикадаги жараёнларни батафсил таҳлил этди, ўтган давр натижалари ва келгуси йил режалари ҳақида ўз баҳосини берди. Юртда фаровонликни ошириш, биринчи навбатда, камбағалликни камайтириш — буларнинг барчасини Ўзбекистон халқи ўз Президентидан кутган эди.

Иқтисодий соҳада хорижий инвесторларни жалб этишга қаратилган муҳим ислоҳотларни аниқлаш Мурожаатноманинг муҳим жиҳатларидан бири бўлди. Коррупцияни йўқ қилиш ва мутлақо янги банк тизимини ривожлантириш бўйича белгиланган қатъий чоралар мамлакатни барқарор ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон бозор механизмларини янада кенгроқ жорий этишга соғлом ёндашяпти. Бу, биринчи навбатда, бизнесни ривожлантиришда давлат аралашувининг камаяётгани билан боғлиқ.

➡2

**Семинар**

## «СТОЛНИ УРИБ ЭМАС, ТАШАББУС КЎРСАТИБ ИШЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ»

***Жаҳонда "Янги Ўзбекистон" дея эътироф этилаётган юртимизда барча соҳада туб ўзгаришлар амалга ошириляпти. Халқ манфаати ва одамларни рози қилишга қаратилган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Албатта, бу борадаги ишларни изчил давом эттириш ва янада кўпроқ натижаларга эришиш учун маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларидан катта масъулият, илғор билим ва изланиш талаб этилади.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ҳокимликлар масъуллари учун ташкил этилган малака ошириш ўқув семинари ушбу масалаларда ўзаро тажриба алмашиш, билимларини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, туман ҳамда шаҳар ҳокимлари қатнашиб, дастлаб давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, шунингдек, ҳокимликлар томонидан амалга оширилаётган ишлар, фаолиятда дуч келинаётган муаммолар, уларнинг ечимлари хусусида фикр алмашдилар.

➡3

**Тадбир**

## ЁШЛАРГА, АВВАЛО, ВАЗИРЛАР, ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ЎРНАК БЎЛИШИ КЕРАК

***"Ёшлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан бошланган янги ташаббусимизни бутун мамлакатимиз бўйича амалга оширамиз. Мен вилоят раҳбарларини, жойлардаги барча жамоатчиликни ушбу масалага жиддий эътибор беришга чақираман".***

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган ушбу сўзлар бежиз эмас. Чунки эртанги кунимиз, келажагимизнинг қандай бўлиши, Ватанимиз истиқболи ва тақдири ёшлар билан боғлиқ.

Бу эса, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш ҳам айни заруратдир.

Пойтахтимизда барча вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари, ўринбосарлари иштирокида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутаётган ана шундай масалалар муҳокама этилди.

Президент маслаҳатчиси Т. Худайбергенов олиб борган ушбу йиғилишда жорий йилда хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни мутлақо янги босқичга кўтариш лозимлиги алоҳида тилга олинди. Бунинг учун эса, жойларда олиб борилаётган ишларни ёшларга кўрсатиш, қолаверса, бугунги ислоҳотлар рўёбида, аввало, вазирлар, ҳокимлар ва йўналишидан қатъи назар ҳамма идора раҳбар-ходимлари уларга ўрнак бўлиши, ортидан эргаштириши лозимлиги таъкидланди.

➡3

**Янги Ўзбекистон одимлари**

## «ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИ — БИЗ УЧУН ЯККАЮ ЯГОНА ВА ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛДИР»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга тақдим этган навбатдаги Мурожаатномасида шундай деб таъкидлади.

### Мурожаатноманинг алоҳида хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга тақдим этган навбатдаги Мурожаатномасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

**Биринчи хусусияти:** ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеанинг аввалгиларидан фарқли жиҳати шундаки, мамлакатимиз раҳбари бу галги Мурожаатномани миллий парламентнинг янгиланган таркибига тақдим этди. Мажлисда олдинги чақириқ парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам қатнашди.

**Иккинчи хусусияти:** Мурожаатномада даставвал 2019 йил 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар ҳақида сўз борди.

Президентимиз мамлакат тарихида илк бор қабул қилинган Сайлов кодекси асосида, "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида ўтган бу муҳим сиёсий тадбир жараёнларини холис, ҳаққоний баҳолаб, фуқаролик жамияти қуриш йўлида берган тавсиялари учун халқаро кузатувчиларга бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдирди. Нуфузли халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсияларидан кейинги сайловларда албатта фойдаланамиз, деди давлатимиз раҳбари.

**Учинчи хусусияти:** Мурожаатномада 2019 йил — Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили якунлари сарҳисоб қилинди. Шу билан бирга, кейинги уч йил давомида амалга оширилган асосий ишлар ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Бунга қадар биринчи Мурожаатномада 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, иккинчи Мурожаатномада эса 2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили якунлари чуқур таҳлил қилинган.

**Тўртинчи хусусияти:** мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб олинди.

### 2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

Президентимиз таклифига мувофиқ, юртимизда **2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"** деб ном берилди.

Бундан кўзланган мақсад мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтаришдир.

➡2

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДАН



# «ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИ — БИЗ УЧУН ЯККАЮ ЯГОНА ВА ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛДИР»

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга тақдим этган навбатдаги Мурожаатномасида шундай деб таъкидлади.**

1

Давлатимиз раҳбари таълим сифатини халқаро талаблар даражасига кўтариш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини қайд этди.

Бу йил рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак. Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим.

Бунинг учун ташаббускор бўлиб майдонга чиқадиган янги авлод кадрларни тарбиялаш зарур. Стратегик фикр юритадиган малакали кадрлар керак. Шунинг учун боғчадан бошлаб таълимнинг барча бўғинида таълим сифатини ошириш даркор.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг савиясини ошириш лозим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бизга илм-маърифат ва юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

## Сайловлар Ўзбекистоннинг халқаро имижини кўтарди

Президентимиз таъбири билан айтганда, сайловлар халқимиз учун синов ва халқаро ҳамжамият олдида катта сиёсий имтиҳон бўлди. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида ҳаётий бир мисол келтирмоқчимиз.

Гап шундаки, ўзининг 25 йиллик фаолияти давомида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси томонидан ЕХҲТга аъзо 50 дан ортиқ давлатларда қарийб 400 марта Президент, парламент ва маҳаллий органлар сайловларининг мониторинги ўтказилган.

Ўзбекистонда кейинги 20 йил мобайнида ЕХҲТ томонидан 8 маротаба сайловлар мониторинги амалга оширилган. Шундан 3 таси Президент сайлови ва 5 таси парламент сайловларига тааллуқлидир.

Энг муҳими, яқинда бўлиб ўтган мамлакатимиз парламенти сайловларида илк бор ЕХҲТнинг тўлақонли миссияси томонидан кузатув амалга оширилди ва МДҲга аъзо давлатларда ўтказилган сайловлар ичида энг юқори баҳоланди. Бошқача айтганда, ушбу **сайловлар дунёга янги Ўзбекистонни намоён этди.**

Янги Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтган ушбу сайловлар биз учун катта сиёсий имтиҳон бўлди. Мамлакат ичида: халқимиз ислоҳотларимизга ўз муносабатини билдирди. Халқаро миқёсда жаҳон ҳамжамияти янги Ўзбекистонга юқори ижобий баҳо берди.

Сайловлар Ўзбекистоннинг халқаро имижини кўтарди. Жаҳонаро дўсту ҳамкорларимиз олдида обрў-эътиборимиз янада юксалди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **халқимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтди.** Сайловлар натижалари, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг орзу-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беришга қаратилгани билан биз учун жуда муҳимдир.

**Сайловларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — гендер масаласи билан боғлиқ.** Яъни илк маротаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди.

Қонунчилик палатасига 32 фоиз аёл-депутатлар сайлангани, ўз навбатида, дунёдаги 190 парламент ичида Ўзбекистон парламентининг 37-ўринга кўтарилишини таъминлади. Бундан атиги беш йил илгари, 2014 йилда бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 128-ўринда эди.

Ёшлар масаласи, чиндан ҳам, янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Қонунчилик палатасига 30 ёшгача бўлган 9 нафар депутат (6 фоиз) сайлангани ҳам бунинг ёркин тасдиғидир. Шундай қилиб, бугун парламентимиз қуйи палатаси таркибининг 6 фоизини ёшлар ташкил этмоқда. Жаҳон миқёсида бу кўрсаткич атиги 2 фоизга етади, холос.

Биргина шу рақамларнинг ўзи ҳам юртимиз аёллари жамиятда ўзларининг ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётганидан далолат беради. Бинобарин, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш Ўзбекистон Президенти олиб бораётган адолатли сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

## «Ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак»

2019 йил сентябрда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян юртимизда расмий ташриф билан бўлди. Ўшанда Диего Гарсия-Саян дастлабки тавсияларини берди.

Ушбу тавсиялар судьяларни сайлаш ва тайинлаш; судьяларнинг лавозимида ишлаб қолишини кафолатлаш; судьяларни профессионал асосда тайёрлаш; суд раисларини тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари кўламини қайта кўриб чиқиш; судьяларга интизомий чора кўриш тартиб-таомилларини мукаммаллаштириш; Олий суд кенгаши аъзоларини сайлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш; прокуратура тизими ваколатларини қисқартириш; адвокатлар сонини ошириш ва ёш ҳуқуқшуносларни ушбу касбга қизиқтириш учун тарғибот ишларини кучайтириш истиқболлари билан боғлиқ.

Мурожаатномада судлар томонидан ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганига доир рақамлар баён этилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар, айбловдан чиқарилган ва ўзгартирилган.

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди, деди давлатимиз раҳбари. Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим.

Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина, прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин. Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш бўйича ваколатларни қайта кўриб чиқиш керак.

Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак, деди Президентимиз.

Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган, минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал қилиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди.

Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Президентимизнинг таъкидлашича, бу орқали 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ, узоқ йиллардан буён ечилмай келаётган муаммолари ҳал этилади.

## Ўзбекистоннинг 3 йилда 30 та халқаро ташаббуси

Мамлакатимиз раҳбари парламентнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш истиқболлари хусусида атрофлича тўхталди. Аввало, парламентимиз Ўзбекистон Президентининг халқаро ташаббусларини амалга оширишда фаол иштирок этиши керак.

Давлатимиз раҳбари сўнгги уч йилда турли нуфузли халқаро ташкилотларда қарийб 30 та ташаббус билан чиқди. Жумладан, Президентимиз БМТ даражасида илгари сурган 7 та ташаббус бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари қабул қилинди.

ШҲТ доирасида Ўзбекистон Президентининг 8 та халқаро ташаббуси амалга оширилди. Худди шундай 10 дан зиёд муҳим ташаббуслар ЮНЕСКО, МДҲ, ИҲТ, ТУРКСОЙ, Марказий Осиё минтақаси миқёсида илгари сурилди.

Давлат раҳбари қайд этганидек, биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат курсини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз.

Бу борада Мурожаатномада устувор жиҳатларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан илгари сурилган муҳим халқаро ташаббус — **БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси**ни ишлаб чиқиш жараёнларида парламентимиз ҳам фаол бўлиши керак. Бу янги халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни амалга оширишга хизмат қилиши билан жуда муҳимдир.

Жорий йилда ўтказиладиган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми** ҳам айнан ёшлар ҳуқуқларига бағишланиши бежиз эмас. Маълумки, 2018 йилда қадимий ва навқирон Самарқандда инсон ҳуқуқлари бўйича илк Осиё форуми ташкил этилганлиги халқаро жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон **БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига илк бора сайланиш** учун номзодини кўрсатган. Жорий йилнинг кузида бўладиган ушбу сайловда ёруғ юз билан кутилган натижага эришишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Давлатимиз раҳбари бу борада барча чораларни кўриш учун зарур топшириқлар берди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни ҳам тезлаштириш кераклигига эътибор қаратилди.

## Парламент — Халқ уйи

Президентимиз парламентга Мурожаатнома тақдим этишидан олдин янги сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларида, шунингдек, ҳар икки палатанинг илк қўшма мажлисида иштирок этди ҳамда нутқ сўзлади. Бу жараёнларда парламент палаталарининг раҳбарияти тасдиқланди, қўмиталар ва комиссиялар тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти янги Ўзбекистоннинг янги сайловлар асосида сайланган янги парламенти таркибини ана шу улуғвор ғояни амалда намоён этишга чақирди. **"Эл-юртимиз сизларга ҳақли равишда катта умид ва ишонч билан қарамоқда",** деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимиз парламент аъзолари билан кейинги уч йил ичида 11 марта учрашганини алоҳида қайд этиш лозим. Давлат раҳбари бу мулоқотларда ҳар гал парламент ва сиёсий партиялар ролини оширишга, давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилишга, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият бермоқда.

Ўзбекистон Президентининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари билан навбатдаги учашуви бу борада янги, тарихан юксак босқичга асос солди. Давлатимиз раҳбари давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги кўплаб долзарб муаммоларни кўтарди. Мавжуд камчиликларни очиқ ва аччиқ танқид қилди, истиқболдаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Президентимиз томонидан **"Янги Ўзбекистон — янги сайловлар — янги парламент"** деган устувор ғоя долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

Янги Ўзбекистонда вазият тубдан ўзгарган бугунги даврда, яъни **янгиланган Ўзбекистон шароитида янги парламент қандай бўлиши керак?**

Аввало, янги сайланган, ўзгарган депутатларни одамлар сезиши лозим. Янги парламентнинг янгича фаолиятини халқ сезсин ва муносиб баҳоласин.

Бу, ўз навбатида, янги парламентдан ўрин олган сиёсий партиялар ва уларнинг вакиллари сайловолди дастурлари ва ваъдаларини нечоғли бажаришларига боғлиқ. Содда қилиб айтганда, **янги парламент аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бериши лозим.**

Аҳоли эса эндиликда сиёсий мудроқликдан уйғонди ва бу ўзига хос сиёсий уйғониш бўлди. Кейинги бир неча йил ичида одамларнинг сиёсий савияси ўсди, дунёқараши ўзгармоқда.

Шундай экан, онгли равишда фаолият юритадиган депутатлар янги парламентнинг юзини кўрсата билишлари керак. **Депутатлик масъулияти** дегани ҳам шу, аслида.

Янгидан шаклланган парламентимиз аъзоларининг аксариятини илк бор депутат бўлиб сайланган шижоатли инсонлар, ўз ишининг усталари ташкил этади. Лекин уларнинг барчаси бугунданоқ қонун ёзишга қодир, деб айтолмаймиз.

Албатта, ушбу ҳамкасбларимиздан ҳар бири ўз соҳасининг юксак иқтидорли мутахассиси эканига шубҳа йўқ. Аммо жуда қисқа муддатларда улар ўзларининг қонун ижодкорлиги, қонун техникаси ва парламентнинг бошқа фаолиятига тааллуқли соҳалардаги билим ва кўникмаларини ошириб улгуришлари тақозо этилади.

Шу маънода, Президентимиз томонидан Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда депутатларнинг малакасини доимий ошириб бориш юзасидан янгича тизим — **депутатлик ўқувларини** жорий этиш таклиф қилингани айни муддаодир.

Бизнинг муаммоларимизни ҳеч ким ташқаридан келиб ҳал қилиб бермайди. Депутатлар бефарқ бўлмасликлари керак. Янги парламентнинг самарали фаолияти депутатларнинг савияси ва профессионаллигига боғлиқ. Ислоҳотлар натижасига депутатлар ҳам маъсул ва жавобгардир. **Депутатлик — бу буюк масъулият ва жавобгарликдир.**

Оддий одамларнинг овозини олиб, сайланган депутат шу оддий одамларнинг дарду ташвиши билан яшаши шарт. Одамларни қандай қилиб рози қилиш мумкин? Албатта, халқ билан қанча кўп учрашилса, мулоқот қилинса, шунча кам хато қиламиз ва кўп натижага эришамиз.

Мурожаатномада баён этилганидек, Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналарига ўтган йилда бир миллиондан зиёд мурожаатлар тушган. Ана шу мурожаатлар одамларни қандай муаммо ва ташвишлар қийнаётгани ҳақида хулоса чиқаришга имкон бермоқда.

Президентимиз бундан буён мурожаатлар таҳлили асосида амалий ишлар олиб борилишини қайд этди. Бу каби вазифаларни бажариш барча давлат органлари, айниқса, сенатор ва депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

**Янги парламент — халқпарвар парламент бўлиши керак. Халқ вакиллари фаолият олиб борадиган парламент — аслида, Халқ уйидир.**

Ҳозирги кунда парламент қонунчилик фаолияти замон талабларига тўла жавоб беради дея олмаймиз. Ишлаб чиқаётган қонунларимиз аниқ бир соҳадаги айрим вазифаларнигина ҳал этишга хизмат қилади. Улар ҳали комплекс характерга эга ёки кодификациялашган эмас. Бу борада қиладиган ишларимиз талай.

Қонун ижодкорлигимиз ҳозирги ислоҳотлар шиддати ва суръатларидан анча ортда қолмоқда. Ваҳолонки, қонун ижодкорлиги ислоҳотлардан сал бўлса ҳам, илгарироқ юриши лозим.

Бу борада биз ҳали ислоҳотлардан илгарилаш у ёқда турсин, жамият ва давлат ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг қонуний асосларини ҳаёт, замонамиз ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб таъминлаб боришга ҳам тўла эришганимиз йўқ.

Айниқса, яқинда бўлиб ўтган сайловлар олдимизда парламентаризмни ва кўппартиявий тизимни янада мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, халқимизнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини, ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш борасида ҳали талайгина вазифалар турганини кўрсатди. ННТ ва сиёсий партиялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ҳужжатларини ҳам кодификациялаш зарур.

Мурожаатномада алоҳида таъкидланганидек, янги Парламент ва Ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард мақсади — Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт.

**"Шу муносабат билан депутатларимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиман: сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур",** деди Президентимиз.

## Парламент дипломатияси — муҳим имкониятдир

Янги парламент Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишга ўз ҳиссасини қўшиши даркор. Айниқса, "Демократия индекси", "Қонун устуворлиги индекси", "Коррупцияни назорат қилиш индекси"да янги Ўзбекистон ўзининг намуна бўлгулик сифатларини намоён этиши зарур.

Кейинги даврда Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги мавқеини ошириш бўйича Президентимизнинг 12 та Фармон ва қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар бу борада муайян ижобий ўзгаришларга эришишимиз учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Хусусан, мамлакатимиз "Бизнес юритиш индекси"да 100 поғонадан кўпроқ юқорилади ва ҳозир 69-ўринда турибди. Шунингдек, Ўзбекистон кейинги даврда "Иқтисодий эркинлик индекси"да 26 поғонага, "Логистика самарадорлиги индекси"да эса 19 поғонага кўтарилди.

Яқин орада "Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик индекси", "Жаҳон матбуоти эркинлиги индекси" каби халқаро рейтингларда кўрсаткичларимизни бутунлай янгилашимиз тақозо этилади.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодий ва ижтимоий рейтинглар, сиёсий муҳитни аниқлашга оид индекслардаги ўрнини яхшилаб боришда — бу "дуинг бизнес" бўладими, инвестиция муҳитига оид бўладими, инсон ҳуқуқлари ёки матбуот ва сўз эркинлиги соҳасидами, "инновацион ривожланишга тайёрлик"га тегишли бўладими ва ҳоказо — ушбу жараёнларда нафақат ижро ҳокимияти, балки вакиллик ҳокимиятининг ҳам аҳамияти юксакдир.

Парламентнинг ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий сиёсат борасидаги фаолиятини, унинг устувор йўналишларини аниқлаш, нуфузли халқаро ташкилотларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларини самарали амалга ошириш талаб этилади.

Хусусан, минтақамизда яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларга инвестициялар жалб этиш каби йўналишларда Ўзбекистон билан хорижий мамлакатлар ўртасидаги парламентлараро икки томонлама ҳамкорлик гуруҳлари, халқаро ташкилотлар доирасидаги парламентлараро тузилмалардаги иштирокимиздан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб талабларидандир.

Биз қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва халқаро ҳамкорлик бўйича фаолиятимизда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Кейинги даврда Олий Мажлис Президентимиз ташқи сиёсий йўлининг фаол иштирокчисига айлангани, шубҳасиз, мамлакатимизда **парламент дипломатияси** ривожлана бошлаганини кўрсатади. Зеро, Ўзбекистон парламенти эндиликда парламентлараро халқаро ташкилотларда иштирок этмоқда. Икки томонлама депутатлик гуруҳлари кўпайиб, 28 тага етди ва улар изчил фаоллашди.

Айни чоғда Президентимиз парламентнинг нафақат ислоҳотларни таъминлаш учун зарур қонуний асосларни яратиб бериш, балки мамлакат манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасидаги фаолиятини ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш заруриятига эътиборни қаратди. Ҳақиқатан ҳам, ҳали биз "парламент дипломатияси", "халқона ёки партиявий дипломатия" имкониятларидан етарли даражада фойдаланмадик.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг келгуси фаолияти бўйича билдирган фикрларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан,** Конституцияга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг энг муҳим ваколатларидан бири — бу халқаро шартномаларни ратификация ёки денонсация қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, Президентимиз уқтирганидек, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ҳукумат томонидан изчил бажарилишини назорат қилиш ҳам қуйи палатанинг асосий вазифаси бўлиши керак.

**Иккинчидан,** Қонунчилик палатаси бундан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича вазирлар ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйиши лозим.

**Учинчидан,** инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсияларини ижросини ташкил этиш, "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва ижро этиш ҳам қуйи палатанинг диққат марказида бўлиши керак.

**Тўртинчидан,** бугунги кунда жаҳон парламентаризмида илғор тажриба бўлмиш, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш амалиёти халқаро даражада эътироф этилмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ушбу номдаги Парламент комиссияси фаолияти изчил мувофиқлаштириб борилиши муҳим.

**Бешинчидан,** Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилган. Бу институт қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим.

**Олтинчидан,** қонун ижодкорлиги фаолиятига илмий-инновацион омилни кенг жорий этиш ҳам бундан кейин қуйи палатанинг муҳим вазифаси бўлиб қолиши керак.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз ўз тараққиёт йўлидан жадал илгарилаб бормоқда. Ўтган уч йил давомида амалга оширилган ислоҳотлар дастлабки самараларини бера бошлади. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистонга қизиқиш ва эътибор, мамлакатимизнинг куч ва имкониятларига, унинг келажагига бўлган ишонч тобора ортмоқда.

Бу, ўз навбатида, тараққиётнинг янги босқичига чиқиш, кўзлаган мақсадларимизга етиш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Шундай экан, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг ишончига сазовор бўлган ҳар биримиз ўз жойимизда бу юксак ишончни амалий ишлар билан оқлашимиз керак. Президентимиз таъкидлаганидек, **"Бу бизнинг нафақат фуқаролик, балки, энг аввало, она Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир".**

Хулоса қилиб айтганда, давлат бошлиғининг парламентга Мурожаатномаси — дастурий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Мурожаатномада, **биринчидан,** Президентнинг мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуқтаи назари баён қилинди;

**иккинчидан,** сиёсий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий қоидалар билан бир қаторда, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли аниқ таклифлар илгари сурилди;

**учинчидан,** у жаҳон конституциявий амалиётида ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлди.

Ўзбекистон Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасини кенг жамоатчиликка ҳавола қилди. Агар ушбу муҳим сиёсий-ҳуқуқий тадбир телевидение каналлари ва интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри намойиш этилганини ҳисобга олсак, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси нафақат миллий парламент аъзоларига, балки бутун Ўзбекистон халқига бевосита мурожаат сифатида янада аҳамиятлидир.

**Акмал САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари.**

АҚШлик экспертлар:

# «ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АНИҚ ВА РАВШАН КЕЛАЖАК БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ»

1

Рақамлаштириш, электрон технологияларни ривожлантириш, IT-паркларни яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мамлакатингизнинг узоқ муддатли тараққиётга эришишни мақсад қилганидан далолатдир.

Ўзбекистонда туризм миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида қўллаб-қувватланишини олқишлаймиз. Ғарб оммавий ахборот воситалари мамлакатда ушбу соҳанинг салоҳиятини тан оляпти. "CNN", "Lonely Planet", "New York Times Journeys" каби нуфузли нашрлар Ўзбекистонни саёҳат қилиш учун энг яхши йўналиш сифатида эътироф этди.

Президент ташқи сиёсий алоқалар йўналишида барча қўшни мамлакатлар ва бошқа шериклар билан самарали ҳамкорлик давом этишини аниқ ифодалаб берди. Демак, Ўзбекистон бундан кейин ҳам халқаро миқёсдаги жараёнларда фаол иштирок этади.

Ўзбекистон билан стратегик муносабатларнинг янги босқичидан мамнунмиз. Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларининг ташқи сиёсатидаги муҳим давлатдир, икки томонлама кун тартибида улкан имкониятлар мавжуд. Ишонаманки, АҚШ Ўзбекистонни янада равнақ топишида ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.



**Саламон ЛЕСТЕР,**
**Жонс Хопкинс университети қошидаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази директори:**

— Ўзбекистон изчил ривожланаётганидан беҳад мамнунман. Ғарбда кўпчилигимизни Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳада эришаётган ютуқлари ҳайратга солмоқда. Хусусан, дунёга машҳур "The Economist" нашри Ўзбекистонни "Йил мамлакати" деб топгани тасодиф эмас. Чунки Ўзбекистон 2019 йилда бошқа давлатларга қараганда энг катта ютуқларга эришди. Бу Ўзбекистон учун улкан муваффақиятдир.

Ҳукумат мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш бўйича салмоқли ҳаракатларни амалга оширмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу жараёнда мамлакат раҳбарияти қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни рўёбга чиқаришга интилмоқда. Шу маънода, Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган кўплаб бошқа ташаббуслар бунинг исботидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурининг яна бир ўзига хос хусусияти нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки Европа Иттифоқи ва АҚШ каби минтақавий бўлмаган шериклар билан алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Минтақа ва ундан ташқаридаги кучли стратегик муносабатлар тизими мамлакатда самарали ички ўзгаришни амалга оширишга имкон беради.

Ўзбекистон ислоҳотларнинг тўғри йўлидан бормоқда. Бундан кейин ҳам юртингизга фаровонлик тилайман.



**Дэвид ПАТОН,**
**Халқаро таълим бўйича Америка Кенгашлари президенти:**

— Президентингиз 2020 йилни Ўзбекистонда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилганидан жуда хурсанд бўлдим. Бу бежиз эмас. Америка Кенгашлари раҳбари сифатида жорий йилда биз таълим соҳасидаги ҳамкорликда катта муваффақиятларга эришамиз, деб ўйлайман.

Бугун Ўзбекистон ва Америка университетлари ўртасидаги ҳамкорликка қизиқиш ортаётганидан беҳад мамнунмиз. Ташкилотимиз Ўзбекистонда бир йил олдин рўйхатдан ўтганидан сўнг, биз икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантирувчи тўққиз хил дастурни Ўзбекистонда амалга ошириш имкониятига эга бўлдик.

Биз олий таълимда ўқитувчиларни тайёрлаш, тадқиқотларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро миқёсдаги тадқиқотлар каби жуда муҳим масалаларни кўриб чиқамиз. Биз Ўзбекистонда олий таълимнинг халқаро миқёсда кенгайишини ва узоқ вақт давомида АҚШ билан ушбу жараёнда шериклик алоқаларининг кенгайишидан мамнунмиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тараққиёт ва рақамли иқтисодиёт ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқлик нуқтаи назарига тўла қўшиламиз ва шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ёшлари ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватламоқчимиз.

Юртингизда биринчи бўлиб қайта рўйхатдан ўтган Америка нодавлат ташкилоти бўлиш — биз учун катта шараф. Таълим соҳасида муҳим ҳамкорликни амалга ошириш зарурлиги 2018 йил май ойида икки давлат Президентлари томонидан қабул қилинган Қўшма баёнотда ҳам ўз аксини топган. Биз бу йўналишда жиддий қадамларни қўйдик. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги эришилган ҳамкорлик даражаси бундан буён ҳам давом этишига умид қиламиз.

**«Халқ сўзи».**

*Бугун — бизники, эрта — келажакники. Ҳар ким бугунни ҳалол меҳнат ва яхши кайфият билан кузата туриб, эртанги кун ташвишини ўйлайди. Эртани, албатта, бугундан ҳам яхшироқ ўтказишга, фарзандларига янада фаровон келажакни туҳфа қилишга интилади.*

Муносабат

# БУГУН ВА ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

Президентимиз Мурожаатномасини тинглар эканмиз, кўнглимизда зўр орзу-умидлар уйғонди. Жаҳонда кечаётган оламшумул жараёнлар кўз ўнгимизда намоён бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзи оддий ва тушунарли ҳамда аҳамиятли эдики, улар бугун ва эртанги бунёдкорликларга пойдевор бўлиши аниқ.

Мурожаатномада таъкидланганидек, жамият — ислоҳотлар ташаббускори. Сиз ҳамда биздан ва бизга ўхшаш миллионлардан таркиб топган жамият бирлашса, тоғларни талқон қилиши мумкин. Гап бирлашишда, Чўлпон кучини денгизга менгзаган халқни эзгу бир мақсадга йўналтиришда. Президентимиз Мурожаатномаси заҳматкаш ва фидойи халқимизни янада ҳамжиҳат бўлиб, бунёдкорлик сари дадил одимлашга ундагани билан аҳамиятлидир.

Юртбошимиз ўз Мурожаатномасида шу йил ва яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишларга урғу берди.

...Ўтган уч йил ичида юртимизда қилинган ишларни сарҳисоб қилишга жуда кўп вақт сарфлаш мумкин. Шаҳар ва қишлоқларимизга назар ташласак, ўтган йилда ободонлаштирилган салкам 500 қишлоқ ва 100 дан зиёд маҳаллаларнинг салмоқли улуши Қорақалпоғистон ҳудудига тўғри келади. Нукус шаҳрида ва туман марказларида минглаб тураржойлар барпо қилинди. Нукусда шу йил 16 қаватли 3 та бино қурилиши бошланиши кутилмоқда. Йўлда бораётиб, замон талаблари асосида қад ростлаган кўркам уйларни кўриб, кўз қувонади. Халқнинг уй-жой қуриши одамларнинг даромади ортганидан, қурилиш материаллари саноати ишлаб турганидан, турмуш фаровонлигидан дарак беради.

Қорақалпоғистонда ўтган йилларда инвестиция киритиш ҳисобидан қурилиш материаллари, қоғоз, телевизор, чангюткич, полиэтилен қувурлар, тарансформаторлар, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қатор корхоналар ишга туширилгани, шу билан бирга, 150 турли, 400 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилингани юртимиз саноат салоҳияти тезлик билан ўсаётганидан далолатдир.

Президентимиз глобаллашган, шиддат билан олдинга интилаётган жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон ўз ўрнига эга бўлиши учун халқ хўжалигининг барча соҳасида ишни жаҳон андозаларига мос равишда ташкиллаштириш зарурлигини уқтирди. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун, албатта, билимли, ўз ишининг устаси бўлган кадрлар етиштириш зарур. Мақсадларимизга эришиш мактабгача тарбия муассасаларини “оёққа турғазиш”дан бошлангани бежиз эмас. Юртбошимиз тизимни ислоҳ қилишни айни Қорақалпоғистон тимсолида кўрган ва хусусий боалалар боғчалари қуришга кўрсатма берган эди. Жорий йилда юртимизда боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 60 фоизга етказилади. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади. Демак, янги иш ўринлари пайдо бўлади, болаларнинг интеллектуал онгини ўстиришга эришамиз ва минглаб ёш оналар юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилишга отланади.

Педагог кадрларни таёрлашни жадаллаштириш, аниқ илмларни ривожлантириш, ёшларимизнинг саводхонлигини ошириш, айниқса, уларнинг виртуал тизимдаги имкониятларини юзага чиқариш учун IT-парклар қуриш ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилишидан юрт келажаги йўлида катта ғамхўрлик қилинаётганини англаш мумкин.

Инсоннинг ҳақгўйлиги ва ҳалоллиги қалбларда яшайди. Давлатимиз раҳбари халқнинг ўн икки — ўн беш фоизи бугун кам таъминланганлар қаторида эканлигини дангал айтди ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга, камбағалликдан чиқиб олишлари учун шароит яратиш зарурлигини уқтирди. Бу йўлда коррупция балосини жамиятдан соқит қилиш, иложи бўлса, “ҳалоллик вакцинаси”ни топиш даркорлигини яримҳазил билан гапирган пайт кўнгилга “Озод Ватан, обод Ватан, жамолига боқамиз. Ҳалоллик вакцинасин ҳам, биз, албатта, топамиз”, деган сўзлар қуйилиб келди. Шу билан бирга, бадиий фильмлар, театр спектакллари, асосан, бадиий адабиётда ҳалол, халқнинг келажаги йўлида жонини фидо қилишга тайёр, улги олишга арзийдиган миллий қаҳрамонлар қиёфасини ярата олмаётганимизни ўкинч билан эсладим.

Мурожаатномада Орол муаммоси, ёшларимиз, айниқса, ташаббускор Қорақалпоғистон ёшлари алоҳида тилга олинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида экологик офатга учраётган ҳудуд ҳақида айтибгина қўймасдан, “Сувга ғарқ бўлганни ўз қўли қутқаради”, деган халқ мақолига амал қилган ҳолда “четдан ёрдам келади”, деб кутиб ўтирмасдан, офатни бартараф қилишга киришган Президентимизнинг ташаббуси буткул эл ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Ўтган 2019 йилда Орол денгизининг сувсиз қолган тубида 500 минг гектардан зиёд қумликларга саксовул уруғи экилди. Уруғларнинг деярли ҳаммаси кўкариб чиқди. Бу ишдан руҳланган ўзбекистонликлар ўтган йил декабрь ойидан тағин ишга киришиб кетди. Айниқса, бу ишга улуш қўшиш бўйича қорақалпоғистонлик ёшларнинг ташаббус билан чиқиши буткул Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб қўллаб-қувватланиши ва ёшларнинг кўнгиллилар ҳаракатини юзага келтириши ҳар биримизда ғурур, Ватанга, туғилган юртга муҳаббат туйғуларини кучайтирди.

Шу йилнинг 10 январь куни Мўйноқ марказидан деярли юз километр оралиқдаги денгиз тубида жойлашган, экологик офатни бартараф қилиш фронти штабида ўтган анжуманга борганимизда ана шу кўнгилли ёшлар билан учрашдик. Денгиз туби яланглигида, ўн даража, балки ундан-да қаттиқроқ совуқни писанд қилмай, саксовул экаётган ёшларнинг кўзларида Ўзбекистонимизнинг буюк келажагига бўлган ишонч ва садоқатни кўрдик.

Шу жойда “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи, оқсоқол ёзувчи Шароф Уснатдиновнинг айтган: “Агар кимнингдир денгизи, Худо кўрсатмасин, шундай ҳолатга келиб қолса, нима қилишни биздан ўрганадиган бўлди”, мазмунидаги сўзини “халқнинг, ёшларнинг кўнглида мард ва эртанги кунни кўра олувчи Президентга, Ватанга, унинг гўзал ва бетакрор табиатига муҳаббат уйғонди”, деб давом эттиргимиз келади.

> Президентимиз Мурожаатномаси ҳеч бир ватандошимизни бефарқ қолдирмайди, чунки у бизнинг ҳар биримизга қаратилган. Ундаги рақамлар, далиллар, теран мазмунли ибораларни ҳар ким ўзича тушуниши мумкин. Аммо ҳаммага ойдин жиҳати — Мурожаатнома халқимизга фаровон турмуш шароитини яратиш учун бугун ва эртанги кунда қилиниши лозим бўлган ишларнинг дастуриламалидир. Уларни бажаришга биз, ҳаммамиз масъулдирмиз.

**Кенесбой КАРИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**

# ЁШЛАРГА, АВВАЛО, ВАЗИРЛАР, ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ЎРНАК БЎЛИШИ КЕРАК

1

— Бугунги йиғилишимиз, асосан, ёшлар масалаларига бағишлангани бежиз эмас, — дейди Т. Худайбергенов. — Боиси биз, барча масъул раҳбарлар ҳудудларда аниқ амалий ишлар билан ёшларга ибрат бўлишимиз керак. Уларга қандай ишлаш кераклигини ўргатиш лозим. Ҳозирги ёшларга ўзимиз меҳр беришимиз зарур. Президентимиз таъбири билан айтганда, агар бугунги ёшлар сизу биздан меҳр топмаса, у, албатта, меҳрни бошқа жойдан қидиради. Оилада ҳам худди шундай. Агар фарзанд меҳрни ота-онасидан топмаса, уни кўчадан топади. Мана, масаланинг моҳияти қаерда. Шунинг учун бу ерда бир қанча вазирлик раҳбарлари йиғилиб, ушбу масалаларни муҳокама қиляпмиз.

Мазкур йиғилиш бошқа тадбирлардан фарқли ўлароқ, давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар, шунингдек, ёшлар ўртасидаги муаммолар, уларни келтириб чиқараётган омиллар ва ечимлар, истиқболдаги вазифалар ҳудудлар кесимида бирма-бир видео ва слайдлар орқали кўриб чиқилди. Одамларни, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни қийнаётган масалаларни қандай қилиб ҳал этиш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар, таклифлар илгари сурилди.

Дастлаб юртимизнинг турли ҳудудлари — Мўйноқ, Мирзачўл, Ғаллаорол, Зафаробод, Дўстлик, Тўрақўрғон ва бошқа қатор туманларда, чекка-чекка қишлоқларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, сўнгра уларнинг обод бўлмаган даврларидаги аҳволи таққослама тарзида намойиш этилди. Мўйноқ, Мирзачўл ва бошқа кўплаб манзилларнинг бугунгидай обод бўлиши ўз-ўзидан бўлмаётгани, буларнинг барчасига Президентимиз ташаббуслари орқали эришилаётгани таъкидланди.

Шу ўринда, Президент маслаҳатчиси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган эзгу ғоя ва мақсадларни рўёбга чиқариш учун ҳар бир мансабдор ходим камарбаста бўлиши, жонбозлик кўрсатиши, сидқидилдан меҳнат қилиши лозимлигини қайд этди.

Мажлисда келгусида вазирлик ва идоралар раҳбарлари “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, бандлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қилаётган ишлари билан бошқаларга ибрат кўрсатиш механизми йўлга қўйилиши, бунинг учун алоҳида тадбир ўтказилиши тўғрисида маълумот бериб ўтилди.

**Р. ОТАМУРОДОВ.**

2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

# ИСЛОМ ДИНИНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК МОҲИЯТИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ЯНГИЧА ШАКЛ ВА МАЗМУН КАСБ ЭТАДИ

*Президентимизнинг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасини барча соҳа вакиллари қатори илм аҳли ҳам катта мамнуният билан кутиб олди.*

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этди. Буни мамлакатимиз аҳолиси катта қувонч билан қарши олди.*

Дарҳақиқат, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришдек улуғ мақсадга жадал ислоҳотлар баробарида илм-маърифат ва инновация билан эришилади. Бунинг учун эса ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаш зарур.

Юртбошимиз замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш барча учун узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши кераклигини дона-дона қилиб айтганининг сабаби ҳам шунда.

Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳасини параллел равишда ривожлантира олмайди. Президентимиз шуни инобатга олиб, ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналишини белгилаб олиш ташаббусини илгари сурди. Жумладан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга ҳамма шарт-шароит яратиб берилади.

Ҳар бир олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот маскани нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир. Шавкат Мирзиёев шу мақсадда жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олим ва профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилишини қайд этди.

Аждодлар илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, исломшунослик, қўлёзмалар билан ишлаш масалаларига келадиган бўлсак, давлатимиз раҳбари “Жаҳолатга қарши — маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш мамлакатимизда долзарблик жиҳатидан доимийлик касб этган масалалардан бири бўлиб қолаверишини маълум қилди.

Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

Имом Бухорий бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидаги улуғ мақомига мос равишда мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш ишлари ҳам бошланади. Шунингдек, буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёми юқори савияда нишонланади.

Буларнинг барчаси юртимизда ҳар бир соҳага замонавий инновацион ғоялар татбиқ этилиши билан бирга, аждодлар хотирасини тиклаш, меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги ишлар янгича шакл ва мазмун касб этажагидан далолат.

Бугунги кунда юртимиздаги турли илмий-тадқиқот марказлари, қўлёзма фондлари, музей ва кутубхоналарда 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланмоқда. Улар, асосан, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Муин Насафий каби алломалар меросидир. Уларни сифатли сақлаш ва кенг тадқиқ этиш керак. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва хорижий тадқиқот марказлари фондларида қандай асарлар сақланаётганини ўрганишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари турли халқаро ташкилотларнинг юксак минбарларидан туриб, динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази самарали платформа бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб келмоқда. Нуфузли хорижий меҳмонларнинг Ўзбекистонга ташрифи дастурига, албатта, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси зиёрати билан бирга, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти билан танишув тадбири ҳам киритилмоқда.

Бугунги кунда марказда юртимиз ва мусулмон дунёсидан етишиб чиққан улуғ мутафаккир ва алломаларнинг бой мероси, уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси кенг тадқиқ этиляпти. Олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари жорий йил ўтказиладиган “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзуидаги халқаро анжуманнинг қизғин ҳамда кўтаринки руҳда ўтишига ҳисса қўшади.

Айтиш жоизки, ушбу нуфузли тадбирга мезбон этиб айнан Самарқанд белгиланганида ҳам чуқур маъно бор. Бу ушбу шаҳарнинг жаҳон илми ва тарихида ўзининг мумтоз ўрнига эгалиги ва мусулмон маданияти дурдоналаридан бири эканининг яққол ифодасидир. Шу билан бирга, Имом Мотуридийнинг табаррук мақбараси жойлашган бу шаҳарда энг ноёб ва бетакрор маънавий-руҳий муҳит мавжудлиги билан ҳам асосланади.

Конференция мотуридийлик таълимотининг туб мазмун-моҳиятини очиб бериш, Имом Мотуридий меросини ўрганиш ва унинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини халқаро миқёсда тарғиб этиш каби ишлар қамровини янада кенгайтириш мақсадида ташкил қилинмоқда. Халқаро анжуманда ислом оламининг етук олимлари, таниқли экспертлар қатнашиши кутиляпти. Бу конференция Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, нодир қўлёзма ва тошбосма асарларни тадқиқ этишда халқаро ҳамкорликни яна бир поғона юқорига кўтариши, шубҳасиздир.

**Шовосил ЗИЁДОВ,**
**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори.**

# «СТОЛНИ УРИБ ЭМАС, ТАШАББУС КЎРСАТИБ ИШЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ»

1

Анжуманда сўзга чиққан Президент маслаҳатчиси Ш. Кудбиев, Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси мамлакатимизнинг жадал ривожланиш йўлини белгилаб берган дастурий ҳужжат бўлганини қайд этиб, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиши лозимлигини қайд этди.



Бугунги раҳбар ўз ишининг профессионали бўлиши керак. Ўн кунлик ўқув семинари давомида ҳозирги кун раҳбаридан талаб қилинадиган барча жиҳат ўргатилади. Машғулотлар давомида тингловчилар юртимиз иқтисодиётининг асосий йўналишлари, қишлоқ ва сув хўжалигини, чорвачиликни, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда кўникмаларини оширадилар.

— Семинарда жуда яхши фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар билдириляпти, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Долли Аллаев. — Маърузаларни тинглаб, хулоса чиқаряпмиз. Барчамизнинг вазифамиз — халққа хизмат қилиш. Бунинг учун ҳар биримиз, аввало, илмли, маърифатли бўлишимиз керак. Бугун столни уриб, буйруқбозлик билан эмас, балки ташаббус кўрсатиб, намуна бўлиб ишлаш вақти келди.

Ҳудудларнинг ривожланиш, аҳолининг турмуш даражаси, умуман, фуқароларнинг фаровон ҳаёти ҳокимлар ва улар ўринбосарлари масъулияти билан бевосита боғлиқдир. Қайсики маҳаллий ҳокимлик Президентимиз, Ҳукумат топшириқлари ва ваколатлари доирасидаги вазифаларни сидқидилдан бажараётган бўлса, ташаббус кўрсатиб, ўзгаларга, айниқса, ёшларга намуна бўлиб ишлаётган бўлса, ўша вилоят, ўша туман ва шаҳарда ўзгариш, янгиланиш, юксалиш бор.

Қатнашчиларга тақдим этилаётган маърузалар, кўргазмали слайдлар орқали нафақат ҳоким ўринбосарларининг билимини ошириш, балки уларнинг маънавиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Тадбир доирасида иштирокчилар республикамизнинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича таҳлили ва илғор хорижий давлатлар тажрибалари асосида мавжуд муаммолар, уларнинг амалий ечимларидан иборат бўлган маълумотлар ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари билан яқиндан танишадилар.

— Айнан маҳаллий ҳокимликлар масъуллари малакасини оширишга қаратилаётган эътибор бежиз эмас, — дейди Фарғона тумани ҳокими Илҳом Носиров. — Нега деганда, бугун замон ўзгарди, ҳар соҳага янги-янги ғоя ва инновацион лойиҳалар татбиқ этиляпти. Бунга эса, ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари тайёрми, деган савол туғилади. Семинарда ана шу масалаларни муҳокама қиляпмиз. Асосийси, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида белгилаб берилган муҳим вазифаларни ҳал қилсак, эртага қандай натижаларга эришамиз, бунинг учун ишни нимадан бошлашимиз кераклиги бўйича тушунчаларга эга бўляпмиз.

Ўқув дастурига кўра, машғулотлар қирқта мавзу доирасида 108 та йўналишда олиб борилади ва тингловчилар ўзларининг ҳудудларига хос бўлган амалий муаммолар ечимига замонавий ёндашувлар ва эксперт хулосаларига таянган ҳолда таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқади.

Якунда иштирокчиларнинг эгаллаган билимлари синовдан ўтказилиб, дунёқараши ўрганилади. Қолаверса, ҳудудларни ривожлантириш юзасидан тақдимотлар ўтказилиши кўзда тутилган.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Сенатор фикри

# МАТБУОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

*“Жамият — ислоҳотлар ташаббускори”. Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида янграган ушбу даъват оммавий ахборот воситалари, жумладан, матбуот учун ҳам ўзига хос ундов бўлди.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш борасида қилинаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Юртимизда кечаётган улуғвор ва тарихий ўзгаришлар, ҳудудлардаги беқиёс бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари билан бирга, мавжуд муаммо ва камчиликларни таҳлилий мақолалар, чиқишлар орқали дадил кўтариб чиқаётган нашрларнинг масъулияти шунга яраша янада ортиб боряпти. Чунки оммавий ахборот воситалари, жумладан, матбуотнинг аҳоли вакиллари ва жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни ҳамда аҳамиятини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ.

Куни кеча давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон” газетаси жамоасига ўз табригини йўллади. Унда Президентимиз матбуот ҳақида “республикамизда ва халқаро майдонда рўй бераётган энг долзарб воқеа ва мавзуларни замонавий ижодий услуб ва илғор ёндашувлар орқали ўз муштарийларига тезкор тарзда етказа олиши, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг чинакам маънавий-маърифий ҳамроҳига айланиши зарур”, деган сўзларни келтириб ўтди. Бу мамлакатимиздаги барча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларига айтилган сўзлардир.

Бу ҳар бир ижодкорнинг масъулиятини ошириши билан бирга, юртимизда кечаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш, дахлдорлик ҳиссини янада юксалтиради. Бундан ташқари, турли жабҳаларда олиб борилаётган ўзгаришлар, айрим соҳаларда учраётган камчиликлар ва муаммоларни аниқ таҳлиллар орқали олиб чиқиш, халқимиз ишонган ҳамда суянган адолатли минбарга айланиш ҳам соҳа ходимларининг шарафли бурчи ҳисобланади.

Юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ривожига кўрсатилаётган бундай юксак эҳтиром, албатта, ҳар бир журналистни янада теран фикр юритиш, ўз ишига нисбатан масъулият билан ёндашиш ва Ватанга сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Матбуот — жамиятда кечаётган янгиланишларнинг ўзига хос кўзгуси сифатида тобора юксалиб боришига ишонамиз.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# «БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИ» МАМЛАКАТ РИВОЖЛАНИШИГА КАТТА ДРАЙВЕР БЎЛАДИ

*Мурожаатнома давомида мамлакатимизнинг барча соҳалари бугунги кун ҳолати, эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларга тўхталиб ўтилди.*

Жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, инвестициялар, энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, солиқ сиёсати, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳаларига ҳамда алоҳида ёшлар бўйича давлат сиёсатининг олиб борилиши масалаларига батафсил тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб берди.

Мурожаатномада баён этилган фикрлар ҳамда белгилаб берилган муҳим вазифалар асосида марказимиз томонидан 2020 йил учун фаолиятнинг устувор йўналишлари ва асосий вазифалари ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар бажарилади. Хусусан, соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида “1 миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳасини амалга ошириш доирасида марказимиз ва унинг тизимидаги ташкилотларда дастурчиларни қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилади. Зеро, Юртбошимиз алоҳида айтиб ўтганидек, “Бир миллион дастурчи” мамлакат ривожланишига катта драйвер бўлади”.

Рақамли иқтисодиётни жорий этишнинг асосий омилларидан бири, бу — ахборот-технологиялари соҳасида чуқур билим ва кўникмаларга эга, замонавий технологиялардан эркин фойдалана оладиган, малакали кадрлар ҳисобланади. Бу борада марказимиз — соҳадаги етакчи мамлакатлар билан тажриба алмашиш ишларини янада жадаллаштириш орқали ёшларни ушбу мамлакатларга малака оширишга юборишни таъминлайди.

**Акбархон СОБИРХОНОВ,**
**Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директори ўринбосари.**

Акс садо

# Замонавий билимларни эгаллаб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшамиз

*Мурожаатномани юртимизнинг миллионлаб ёшлари қатори диққат билан тингладим. Ундаги ҳар бир сўз кўнглимдан жой олди. Қалбимда фахр туйғусини уйғотди. Негаки, унинг туб замирида “Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан бирга бунёд этамиз”, деган олижаноб мақсад ётибди. Бу улуғвор ишларга шу элнинг навқирон бир фарзанди сифатида дахлдор эканлигимдан ғурурландим.*

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида юртимиз равнақи, истиқболи тўғрисида атрофлича сўз юритар экан, навқирон авлодни илмли, маърифатли, маънавиятли қилиб тарбиялаш масалаларига алоҳида тўхталди. Хусусан, у кишининг “Юрагида ўти бор ёшларимизнинг олий таълим олишлари учун ҳамма шароитларни яратамиз”, “Илм-маърифат, маънавият бизга сув ва ҳаводек зарур”, деган сўзлари барчамизни тўлқинлантириб юборди. Эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлади. Зиммамизда жуда катта масъулият турганини теран англашга ундади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, замонавий билимларни эгаллаш орқали ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эриша оламиз. Бунга ўзим институтда таҳсил олиш жараёнида ҳам ишонч ҳосил қиляпман. Устозларим кўмаги ва қўллаб-қувватлаши билан мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларига ишлов беришнинг инновацион усулини яратишга муваффақ бўлдик. Бу усул маҳсулотни қуёш энергияси асосида ишловчи ускуна воситасида қуритиш ва ундаги фойдали хусусиятларни сақлаб қолишга асосланган. Муҳими, технологик жараёнда 2-3 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Дейлик, биз тажриба-синовда сабзидан бир пайтнинг ўзида табиий бўёқ, озиқ-овқат кукуни ва тиниқ шарбат олишга эришдик. Бу нафақат озиқ-овқат, балки саноатнинг бошқа соҳалари учун ҳам зарур маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради.

**Муҳриддин ЁҚУБОВ,**
**Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси, Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби.**

